

- 4.4 Шартнома тегишли Ғазначилик тизимидан руйхатдан ўтгандан сўнг беш банк иш кунда «Ташкилот» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 4.5 Қолган охириги 70%изи «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб-варак фактуралари асосида 90 кун ичида ўтказиб беради.
- 4.6 «Ташкилот» томонидан 30% изи олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда маҳсулотларни «Ташкилот»га етказиб беради.
- 4.7 Нархлардаги ҳар қандай ўзгаришлар, шу жумладан бозор нархларининг ўзгариши хом ашё ва материаллар нархларидаги ўзгаришлар, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш хақи миқдорининг ўзгариши ёки бошқалар сабабли маҳсулотлар баҳосининг ўзгариши тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбулар тўғрисида шартномага қўшимча келишув киритилади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ:

- 5.1 «Таъминотчи» етказиб бериладиган маҳсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.
- 5.2 «Ташкилот» сифат ва яроқлик сертификатлари бўлмаган маҳсулотларни қабул қилмайди.

6. МАҲСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ:

- 6.1 Маҳсулотни қабул қилишда «Ташкилот» уни миқдори, сифати, ассортименти ва руйхатини «Таъминотчи» томонидан берилган маҳсулот етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-фактура), ушбу шартнома ҳамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.
- 6.2 Маҳсулотни қабул қилиш якуни буйича «Ташкилот» қабул қилиш далолатномасини тузади. Ташкилот томонидан далолатноманинг имзоланиши қабул қилинаётган маҳсулотнинг текширилганлигини билдиради.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ:

- 7.1 «Таъминотчи» маҳсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1-бўлимида белгиланган шартларни бузганда, яъни маҳсулот етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборса, тўлиқ етказиб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдоридан пеня тулайди. Лекин тўланадиган пеня суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар умумий суммасининг 50%дан ортмаслиги керак.
- 7.2 «Таъминотчи» томонидан жунатилган маҳсулотларга оид тулов ва маҳсулот етказиб берилганлиги тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар уз вақтида, яъни маҳсулот билан бирга «Ташкилот»га тақдим этилмаса ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган маҳсулот қийматининг 1 фоизи миқдоридан жарима тулайди.
- 7.3 «Таъминотчи» томонидан маҳсулотлар ўз вақтида ва белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда «Ташкилот» уларни асоссиз равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган маҳсулотнинг 5% миқдоридан, тез бузиладиган маҳсулотлар буйича 10% миқдоридан жарима тулайди.
- 7.4 Етказиб берилган маҳсулотлар учун «Ташкилот» томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса, яъни мазкур шартноманинг 4.4-бўлими бузилганда, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдоридан пеня тулайди. Лекин тўланадиган пенялар умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50% миқдоридан ортмаслиги керак.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

- 8.1 Мазкур шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР:


- 9.1 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади ва имзоланади.
- 9.2 Шартнома томонлар имзолаб, тегишли ҳудудий Ғазначилик бўлимида руйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

10. ФОРС МАЖОР:

- 10.1 Тарафларнинг бири бошқа тараф олдида ушбу шартнома буйича олинган мажбуриятларининг эрк ва истагидан ташқари пайдо бўлган ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган, яъни уруш, ер кимираш, сув босиш, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.


ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

«Таъминотчи»



И.Расулов

«Ташкилот»



Д.Б.Саттарова

Б.Б. Дудақжонов